

PROCEEDINGS OF THE INTERNATIONAL WORKSHOP  
«THE CONTRIBUTION OF EASTERN  
SCHOLARS TO ISLAMIC CIVILIZATION»

«ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ  
ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА  
ҚЎШГАН ҲИССАСИ»

МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯ ТЎПЛАМИ

الندوة العلمية - العملية الدولية  
«إسهامات علماء المشرق الإسلامي في تطوير الحضارة الإسلامية»



© ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLARI MAHKAMASI HUZURIDAGI

DIN

ISHLARI  
BO'YICHA  
QO'MITA



TASHKENT – 2022

## CONTENTS / МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / İÇERİK

|                                                                                                                                          |     |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Зохиджон ИСЛОМОВ.</b> Маҳмуд Замахшарий “Кашшоф” асарининг тафсиршунослик ривожигаги ўрни.....                                        | 23  |
| <b>Давронбек МАХСУДОВ.</b> Мовароуннахр куръоншунослик марказлари...                                                                     | 28  |
| <b>Шовосил ЗИЁДОВ.</b> Марказий Осиёда кутубхоналар фаолияти ва китобхонлик маданияти.....                                               | 31  |
| <b>Xusniddin AXMEDOV.</b> Islom dinida bag‘rikenglik g‘oyalarining aks etishi...                                                         | 38  |
| <b>Шукурилло УМАРОВ.</b> “Саҳиҳул Бухорий”нинг кенг тарқалишида Мовароуннахрлик машхур ровийлар хизмати.....                             | 42  |
| <b>Жўрабой ТОШҚУЛОВ.</b> Мовароуннахрлик фақиҳларнинг ислом халқаро ҳуқуқининг ривожланишига қўшган ҳиссаси.....                         | 47  |
| <b>Гуларам МАШАРИПОВА.</b> Хоразм Маъмун Академияси алломаларининг аниқ ва табиий фанлар ривожига қўшган ҳиссаси.....                    | 52  |
| <b>Гулчеҳра НАВРЎЗОВА.</b> Баҳоуддин Нақшбанд олам ва одам ҳақида (“Аврод” асари асосида).....                                           | 56  |
| <b>Маҳфуза АЛИМОВА.</b> IX аср Мовароуннахр муҳаддисларининг ривоят услублари.....                                                       | 59  |
| <b>Шаҳзод ИСЛОМОВ.</b> Улуғбек тарихига оид муҳим манба.....                                                                             | 63  |
| <b>Акбар КАЗАКБАЕВ.</b> Муҳаммад ал-Муъиззийнинг “Тасрифул Аф’ол” асари сарф илми бўйича муҳим манба.....                                | 70  |
| <b>Шомат САМАТОВ.</b> Азизиддин Насафий маънавиятида комил инсон ғояси.....                                                              | 74  |
| <b>Ҳамидуллоҳ АМИНОВ.</b> XVI асрда Бухорода илмий фаолият олиб борган хорижлик беш нафар олим.....                                      | 78  |
| <b>Otabek MUHAMMADIEV.</b> The Role of Alauddin al-Usmandi as-Samarkandi in the Development of Mawerannahr Maturidiyya Kalam School..... | 82  |
| <b>Бехруз ТУРДИЕВ.</b> Шарқ алломалари илмий меросида жамият идеосферасидаги ўзгаришлар тўғрисидаги қарашлар.....                        | 95  |
| <b>Бекзодбек МУХТАРОВ.</b> Носируддин Самарқандий илмий меросининг ислом илмлари ривожигаги ўрни.....                                    | 99  |
| <b>Мавжуда ГУЛАМОВА.</b> Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавийнинг маънавий мероси.....                                                         | 103 |
| <b>Мадрахим САФАРБОЕВ.</b> Обид Намангоний замонаси ҳақида (“Тухфат ул-обидин ва анис ул-ошиқин” баёзи асосида).....                     | 107 |
| <b>Тохир ХАТАМОВ.</b> Ўзбекистонда тасаввуф алломалари илмий меросининг тадқиқ этилиши.....                                              | 111 |

|                                                                                                                                         |     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Одилжон ҚОРИЕВ.</b> Фарғона фикҳ мактаби олимлари илмий меросидан янги намуна.....                                                   | 115 |
| <b>Неъматилла НАСРУЛЛАЕВ.</b> XIII аср охири – XIV аср бошларида Мовароуннаҳрда кечган ислохатлар таҳлили.....                          | 121 |
| <b>Обид ТАНГИРОВ.</b> Тоҳирийлар давлатининг ҳукмдори Абдуллоҳ ибн Тоҳир.....                                                           | 126 |
| <b>Муслим АТАЕВ.</b> Исломда кафоат масаласи.....                                                                                       | 129 |
| <b>Абдурасул АБДУЛЛАЕВ.</b> Ёш авлодлар қалбида бағрикенлик туйғуларини шакллантиришда ислом қадриятларининг ўрни.....                  | 134 |
| <b>Бехзод СОИПОВ.</b> Диний ксенофобия ва исламофобиянинг турли кўринишлари инсон ҳаётига таҳдид қилаётган асосий муаммолардандир...138 |     |
| <b>Ўктам ПАЛВАНОВ.</b> Саъдуддин Тафтазонийнинг Темурийлар даври илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси.....                                  | 145 |
| <b>Шерхон ҚОРАЕВ.</b> Шайх Фахриддин Ироқий таълимоти ва Алишер Навоий.....                                                             | 149 |
| <b>Сарвиноз САМАДОВА.</b> Шарқ алломалари илмий меросида бағрикенглик масалалари.....                                                   | 154 |
| <b>Aziza TURGUNOVA, Jaxongir SAIDKULOV.</b> Sharq allomalarining ilmiy merosi – bebaho ma’naviy boylik sifatida.....                    | 158 |
| <b>Музаффархон ЖОНИЕВ.</b> Саййид Бурҳониддин Термизийнинг ақидавий қарашлари.....                                                      | 142 |
| <b>Рамзиддин ИСАКДЖАНОВ.</b> Метафизика Ибн Сино талқинида.....                                                                         | 146 |
| <b>Mohira ABDULLAYEVA.</b> Muhammad Sodiq Koshg’ariyning sharqona axloq kodeksiga qo’shgan hissasi.....                                 | 170 |
| <b>Абдулло АБДУВОХИДОВ.</b> Абу Лайс Самарқандийнинг Мотуридийлик-даги ўрни.....                                                        | 173 |
| <b>Алишер АНВАРОВ.</b> Шарқ алломалари илмий мероси – Янги Ренесанс пойдевори.....                                                      | 177 |
| <b>Андрей ДУНАЕВ.</b> Роль исламских учёных в формировании научного базиса европейского возрождения.....                                | 181 |
| <b>Абдулло ҒУЛОМОВ.</b> Маҳмуд Ломишийнинг “Тамҳид” асарида “Аллоҳ таолони кўриш” масаласи.....                                         | 185 |
| <b>A’zamjon TOSHBOYEV.</b> Najmiddin Kubroning “Odobus Sufiyya” asarida sof tasavvuf borasidagi qarashlar.....                          | 188 |
| <b>Adhambek YANGIBOYEV.</b> Najmiddin Umar Nasafiyning mashhur ustoz va shogirdlari.....                                                | 191 |
| <b>Абдулҳодий ЮСУПОВ.</b> Ғазналик олимлар ижодида Мотуридийлик таълимоти.....                                                          | 194 |

**САРВИНОЗ САМАДОВА**

Бухоро давлат университети ўқитувчиси,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## **ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИДА БАҒРИКЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ**

Бағрикенглик Шарқда ўзининг тарихий илдизларига эга. Кўп асрлар мобайнида бу ерда турли этнос ва дин вакиллари тинч—тотув яшаб келган. Шунинг учун ҳам жамиятнинг бир қадар фаол қисми онгида, диний ва ирқий мансублигидан қатъи назар, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва эркинлик, атрофдаги кишига нисбатан дўстона муносабат мавжуд эди.

Инсоний фазилят анъаналари қадимданоқ айнан Шарқ халқларига хос хусусият бўлиб, у ҳозирги давргача авлодлар томонидан сақланиб, давом этиб келмоқда. Шарқнинг кўпгина атоқли мутафаккирлари ёзиб қолдирган илмий асарларда ҳам, ўзларининг амалий фаолиятларида ҳам бағрикенглик руҳида иш тутганлар. Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий ижодида бағрикенглик ғоялари юксак роль ўйнаганлигини яққол кўришимиз мумкин.

Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида бағрикенглик, инсонпарварлик туйғулари инсоният учун нақадар аҳамиятли эканлигини куйидаги фикрлари асосида билиб олишимиз мумкин: “Ҳар бир одам ўз табиати билан шундай тузилганки, у олий даражадаги етукликка эришиш ва яшаш учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, унинг бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, зеро, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезади”-дейди Форобий. Бундан билишимиз мумкинки, инсон бир ўзи ҳеч нарсага эриша олмайди, у ривожланиши, етукликка эришиши учун унга инсонлар жамоаси керак. Бундай жамоага эса инсонлар меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, инсонпарварлик, бағрикенглик асосида бирлашадилар. Форобий илгари сурган фозил шаҳар, фозил жамоа тушунчаларининг асосида албатта бағрикенглик ётади. Бағрикенгликсиз бундай давлат ва жамиятга эришиб бўлмайди.

Шарқнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний ижодида ҳам бағрикенгликка муҳим аҳамият қаратилиб, бу ҳол унинг бой илмий меросида ҳам ўз аксини топган. Берунийнинг “Ҳиндистон” асарининг илмий ва маънавий аҳамияти хусусида машҳур рус шарқшуноси барон В.Е.Розень “Бу ҳиндистоншуносликда шундай бир улуғвор “хайкал”ки, у ўз сирасига кўра якка-ю ягона ва унга тенг келиши мумкин бўлган бошқа асарни Ғарб ва Шарқнинг бутун қадимги ва ўрта аср илмий адабиётларида ҳам учратиш мумкин эмас”<sup>1</sup> деб ёзган эди.

Беруний илмий мероси инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари би-

<sup>1</sup> Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Т; “Университет”. 2007й. 20 бет.

лан бойитилган. Шулар сирасида “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ва “Ҳиндистон” асарлари аҳамиятлидир.

Бошқа бир халқларнинг, ўзга эътиқод вакиллариининг фалсафий илм натижалари объектив ва шу билан бир вақтда бағрикенглик қарашлари тамойили Беруний изланишларида ўша даврда мавжуд бўлган шарқ олимлари ичида биринчи бўлиб ҳинд фалсафасига изоҳлар ёзганини кўрсатади. У ўзининг раҳбарлиги остида амалга оширилган тарихий фалсафий тадқиқотларининг методологик принциплари тўғрисида тўғридан-тўғри гапириб, айнан мана шунинг ижодиётининг муҳим асосини ташкил этарди. Беруний диний сабабларга кўра ҳинд фалсафасини ўрганишда унинг издошларига нисбатан асоссиз айблар ишлатмаганини таъкидлайди: “Зеро ҳиндлар эътиқоди шундайки, бу уларнинг ўзларигагина яхшироқ кўринади ва тушунилади». Айниқса бу уларни “Дин - бу фақатгина уларнинг эътиқоди, фан - эса фақатгина уларда мавжуд бўлганларидир” деб уларни айблаганда ёрқин намоён бўлади<sup>2</sup>.

Бошқа халқлар ва давлатларга нисбатан, масалан, Хоразмда Араблар истилоси, Маҳмуд Ғазнавийни Ҳиндистонга ҳарбий юришлари пайтида юзага келган тоқатсизлик ва зулмнинг кучайиши олдини олишни қаттиқ қоралайди. Унинг фикрига кўра бундай сиёсатнинг энг мудҳиш натижалардан бири, бу илм-маърифатга, шу жумладан, фалсафий илмларга келтирадиган катта зарардир<sup>3</sup>. Беруний ирқий камситишга асосланган ҳар қандай зулмни қоралаган ҳолда, барча инсонларнинг шаклланиш ўзаги битта асосга таянишини таъкидлаб, турли халқлар, ижтимоий гуруҳлар ва муайян инсонлар ўртасидаги тинч-тотув муносабатни амалга оширилишига ҳалақит берувчи миллий ва диний чегараланишларга қарши чиқади.

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон заминида яратилган маърифатпарварлик салоҳиятининг ижтимоий-фалсафий қарашларини юзага чиқариш, омалаштириш лозим. Бунда зиёлилар ижодининг йирик бағрикенглик намуналари аҳамиятлидир. Улар Шарқ ва Ғарб муаллифларининг меросини қайси тилда бўлишидан қатъи назар, қайси ирқ ва динга эътиқод қилишига қарамасдан, ўқиб-ўрганганлар. Бу Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва кўплаб ўтмишдаги бошқа олим ва мутафаккирларнинг ижодида ёрқин намоён бўлади. Кўпгина ватандошларимизнинг фалсафий-тарихий ижодида диний ва замонавий бағрикенглик анъанавий узвий боғланганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Буюк давлат арбоблари Амир Темур, Улуғбек, Бобур динлар ўртасида, миллатлар ўртасида тотувликни мустаҳкамлашга бутун умрларини бағишлаганлар ва бу соҳада муайян муваффақиятларга эришганликлари тарихий манбалардан маълумдир. Амир Темурнинг “Очиқ юзлилик, раҳм шафқат билан халқни

<sup>2</sup> Ўша манба. 23 бет.

<sup>3</sup> Насирходжаева Г. Бағрикенглик — жамият барқарорлигининг асоси // История - философское наследие Фараби и Берунии в контексте е проблемы толерантности (илмий-амалий анжуман материаллари). Тошкент. 2003й. 143-149 бет.

Ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим”<sup>4</sup> деган сўзлари бунга мисолдир. Темур тузуклари асарида узоқ яқиндан бирор киши келиб Амир Темур мажлисида иштирок этса, қайси тоифадан бўлса ҳам дастурхони неъматидан баҳраманд бўлишини, фатҳ этилган ҳар бир мамлакатдаги сипоҳийлар паноҳига келсалар, уларни навқар қилиб жой бериши, у диёрнинг раиятини ёмон ҳодисалардан, қатл ва асиру банд этишдан, таланишдан муҳофаза қилишини амр этганлигини таъкидлайди. Амир Темурнинг бағрикенглигини қайси давлатни забт этган бўлса, ўша ернинг обрў эътиборли инсонларини улуғ тутганлиги; уламолари, саидлари, фузало ва машойихларига таъзим бажо келтирганлиги, уларга катта ҳурмат билан қараганлигидан билишимиз мумкин. Амир Темур ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қурдирган, мусофир йўловчилар учун йўл устида работлар бино қилдирган, дарёлар устида кўприклар қурдирган, доимо халқ аҳволидан хабардор бўлган.

Амир Темур Самарқандда турли дин вакиллари йиғиб, уларга илтифот кўрсатиши ҳамда христиан динига эътиқод қилувчи меҳмонларнинг турли эҳтиёжларини бажариш учун алоҳида масъул шахс тайинлаганлиги ҳақида XV аср бошларида Амир Темур саройида бўлган Кастилия элчиси гувоҳлик беради. Улар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашни тайинлайди. Шундан ҳам билишимиз мумкинки Амир Темур давлат ва халқ бошқарувида доимо бағрикенглик тамойилларига амал қилган.

Қадим даврлардан бери диний бағрикенглик халқимизнинг асосий ғояларидан бўлиб келган. Диёримиздан етишиб чиққан алломаларнинг асарларида ҳам диний бағрикенглик тарғиб қилинган ғояларни учратамиз. Жумладан, аллома Абу Мансур ал-Мотурудий “Тиловат аҳли сунна” асарида Қуръони Карим Ҳаж сурасининг 40-оятини тафсир этиб, “Черков ва синагоглари бузиш қатъиян ман этилади. Шунинг учун ҳам мусулмон ўлкаларда ҳозирги вақтгача улар сақланиб қолган деган фикрни билдирган.

Бурҳониддин Марғиноний ҳазратларининг “Ҳидоя” асарида мусулмонлар диёрида черков ва ибодатхоналар бузилиб кетган бўлса, уларни яна қайта тиклаш кераклигини айтиб ўтганлар. Шунинг учун фикҳий китобларда бу ҳақда алоҳида тўхталиб, мусулмонлар диёрида черков ёки бошқа ибодатхоналар бузилиб кетган бўлса, ўша ердаги насронийлар уни тиклашни талаб ёки илтимос қилиб чиқса, уларни қайта тиклаш мумкинлиги ҳақида боблар киритганлар.

Имом ал Бухорий бутун фаолияти давомида ҳам илмий, ҳам имкони бўлса моддий жиҳатдан одамларга бирор наф етказишни ўзининг асосий мақсади қилиб қўйган эди. У доимо илм аҳлию, илм толибларига ҳатто устоз ва мураббийларга ҳам моддий ёрдам кўрсатар эди<sup>5</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанд йирик тасаввуф алломаси Саид Амир Кулол-

<sup>4</sup> Темур тузуклари. Т; “Ўзбекистон”. 2018й. 89 бет.

<sup>5</sup> Буюк юрт алломалари. Т.; “Ўзбекистон” 2016й. 422-бет.

нинг бевосита муриди ҳамда Хожа Муҳаммад Бобо Самосий фарзандлигига қабул қилинган эди. Ва лекин “хожагон” силсила тариқатининг асосчиси ҳисобланган Хожа Жаҳон – Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний эса Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳониятли пирлари ҳисобланган. Манбаларда ёзилишича Баҳоуддин Нақшбанд қул ва канизак тутмаган эканлар. Ва бу ҳақида ул зот: “Ўзимиз Худонинг бандаси(қули) бўлатуриб, бошқаларга қандай хўжайинлик қила оламиз” деб айтган эканлар. Бу ул буюк зотнинг фазилатларига хоксорлик билан буюклик мужассамлашганидан дарак бериб турибди. Жаҳондаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ҳамда яхшилик, дўстлик, тинчлик, каби хусусиятларга таянади. Кишиларни ҳалоллик ва меҳр-шафқат, поклик, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш лозимки, буюк аждодларимизнинг бой маданият ва маърифат булоқларидан баҳраманд бўлган халқимиз нафақат миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик балки меҳру-мурувват, оила, фарзанд тарбияси, ота-она ҳурмати ва иззати борасида ҳам ўзига хос кенг феъллик, саҳоват ва мўътадиллик тамойилларига амал қилиб келмоқда. Мамлакатимиз тарихан кўп миллатли ўлка бўлганлиги туфайли бу заминда турли-туман дин вакиллариининг эмин-эркин яшашлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳар бир инсон, бутун жамият ўзаро муносабатларни халқларнинг турли-туман урф одатлари, маданияти ва қадриятларини тан олган ҳолда бағрикенглик асосига қуриши зарур. Зеро, тинч-тотувлик, бағрикенглик тараққиёт гаровидир.